

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕР КАДАСТРИ ФАКУЛЬТЕТИ  
«ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ» кафедраси**

**«ЕР МОНИТОРИНГИ» фани**

**ЕР МОНИТОРИНГИНИ ЎРИТИШ  
УСЛУБЛАРИ**

# МАВЗУ: ЕР МОНИТОРИНГИНИ ЎРИТИШ УСЛУБЛАРИ

*Режса:*

1. *Ер мониторингини юритиш услугий масалалари.*
2. *Ерларни комплекс рўйхатга олиш.*
3. *Ерларни комплекс рўйхатга олиш тартиби ва турлари.*

Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар иштирокида ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган ***ягона услуг бўйича олиб борилади***, бу услуг ерларнинг ҳолатини, тезкор ва муунтазам кузатиш ишларини амалга оширувчи, тадқиқотлар, текширишлар ўтказувчи ёки хариталовчи барча корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади.

# **Ер мониторингини юритишнинг услубий масалалари**

Ер мониторинги юритиша қўйидаги услубий масалалар амалга оширилади:

- ер мониторингини илмий-услубий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;
- хукуқий ва меъёрий асосий кўрсаткичлар тизимини яратиш;
- ер мониторинги талабларига мос бўлган минтақавий худудларни аниқлаш (иктисодий, ижтимоий, экологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда);
- ер мониторинги буйича ахборотлар тизимини шакллантириш;
- ер мониторингини ўtkазишнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш.

## **Ерларни комплекс рўйхатга олиш**

Табий объектларнинг мониторингини олиб бориш уларни комплекс равишда инвентарлаш орқали амалга оширилади. Лотин тилида «*inventarium*» – *рўйхатлаш* деган маънони англатади.

*Комплекс рўйхатга олиш деб маълум бир табий объектларни маълум бир ҳудудларда икки ва ундан ортиқ кўрсатгичлари бўйича ҳисобини олиш ва рўйхатлаш тушунилади.*

Ерларни комплекс рўйхатга олиш ер мониторингини олиб бориш учун асос бўлади.

Ерларни комплекс рўйхатга олиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- турли тоифадаги ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ерлари, далалари, участкалари, санитар-муҳофаза тегралари ва шунга ўхшаш қишлоқ хўжалиги ерларини сон жиҳатдан ҳисобга олиш ва уларнинг сифатини баҳолаш;
- хўжалик фаолияти натижасида юзага келган ер бузилиш даражаси, характеристери ва кўламини аниқлаш;
- фойдаланилаётган ерларда сув манбаларидан фойдаланиш кўлами, сифат даражаси ва характеристини аниқлаш;
- ер фонди тоифалари бўйича майдонларни аниқлаш;
- техноген бузилган ерларни рекультивация қилиш (қайта маданийлаштириш) нинг иқтисодий–техник асосларини ишлаб чиқиш.

## **Комплекс рўйхатга олиш тартиби:**

Ерларни рўйхатга олишга тайёрлаш, дала ва камерал (лаборатория) ишларини олиб бориш ягона методик асосда ва тегишли комиссиялар томонидан ўтказилади.

Тегишли комиссиялар таркибига «Ўздаверлойиҳа» институти мутахассисларидан - ташкилотига қарашли ер тузувчи, тупроқшунос, геоботаник ва гидрогеолог билан бир қаторда ердан фойдаланувчи ёки у томонидан ваколатланган шахс ҳам кириши мумкин.

Ерларни рўйхатга олиш давлат ер ҳисоби, унинг сифат таснифи ва корхоналарнинг ҳисоботи асосида олиб борилади. Унда аэросуръатлаш, топографик, тупрок, геоботаник, изланиш, ҳисоблаш ва бошқа ер тузиш ишлари мустақил равишда олиб борилади.

Комплекс рўйхатга олишда ерларни экологик ва хозирги ҳолатини баҳолаш учун қуидаги *ер рўйхатга олиш турлари*дан фойдаланилади:

1. *Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ерларини рўйхатга олиш.*
2. *Бузилган ерларни рўйхатга олиш.*
3. *Сув манбаларини рўйхатга олиш.*
4. *Аҳоли турар жойлари ерларини рўйхатга олиш.*

Ерларни комплекс инвентарлаштириш оҳирги олинган йирик масштабли картографик ёки жой плани асосида амалга оширилади:

- *Чўл ва чала чўл минтақалари ҳамда тоғли ҳудудлар учун 1:10000 - 1:25000 масштабдаги, сахро ва чўл-сахро ҳудудлари учун 1:25.000 - 1:50.000 масштабдаги харита-планлардан фойдаланилади.*
- *Айрим ҳолларда, масалан – техноген бузилган ерлар учун 1:2000 -1:5000 масштабдаги харита – планлардан фойдаланилади.*

Ерларни комплекс равища рўйхатга олиш натижасида қуидаги материаллар олинади:

- тўлик ҳолатни акс эттирувчи ва рўйхатлаш турлари бўйича маълумотларни берувчи ердан фойдаланиш планлари;
- ер ажратиш хужжатлари, саноат ва нефть қазиб оловчи корхоналарнинг ерлари ва улардан фойдаланиш бўйича ҳисобга олишни солиширув рўйхати;
- кишлоқ хўжалиги ерлари, бузилган ерлар, сув манбаларининг микдори, уларнинг ҳолати.

## **Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларннг ерларини руйхатга олиш**

**Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларннг  
ерларини руйхатга олишда, ерлардан  
фойдаланиш ҳуқуқи юридик акт билан  
расмийлашгирилган, ажратилган ерлар чегарасида  
жойлашган, қисқа ва узок муддатда  
фойдаланиладиган ерлар, саноат ва нефть қазиб  
олиш корхоналари учун тоғларда ажратилган ерлар  
чегарасида ва амалда фондаланилаётган барча  
ерлар ҳисобга олинади.**

Тайёргарлик даврида әгалик қилинаётган ва фойдаланилаётган ерларни миқдорий ва сифат жиҳатидан ҳисобга олишда қуидаги маълумот ва хужжатлар тўпланади ва ўрганилади:

- а) ердан фойдаланиш хукукини берувчи давлат актлари ва бошка ер ажратиш хужжатлари;
- Б) фойдали казилмалар ишлаб чиқариш ва уларга боғлик булмаган максадлар учун берилган тоғ ер ажратиш хужжатлари;
- в) ер юзасида бажарилган съёмкалар ва аэрофототасвиirlар планлари;
- г) тупрок, мелиоратив, геоботаник ва бошка тадқикотлар хужжатлари;
- д) хужалик ички ва хужаликлараро ер тузиш хужжатлари;
- е) давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ажратилган ерлар плани.

*Эътиборларингиз учун  
раҳмат!*